**7014-сонли шартнома**
**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги принтер курилмаларига хизмат курсатиш**

Тошкент шаҳри 2022 йил “20” февраль

FIN-TEK XK номидан низом асосида иш юритувчи А.А. Қодиров бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Иқтисодий тараққиёт вазирлиги номидан буйруқ асосида иш юритувчи вазирнинг биринчи ўринбосари С.Холхужаев иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Иқтисодий тараққиёт вазирлиги биносидаги принтер техникаларига хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:

– бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;

– лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:

– камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

– баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

– шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

– ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

– ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

– буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

## III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **35 298 900 (ўттиз беш миллион икки юз тўқсон саккиз минг тўққиз юз)** сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилинганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида

Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

**Бажарувчи:**
**"FIN-TEK" ХК**
**Манзил: УЙЧИ, BOG' MFY A.TEMUR KO'CHASI**
**Х/р: 20208000105357318001**
**Банк: УЙЧИ Т., АТ ХАЛК БАНКИ УЙЧИ ФИЛИАЛИ**
**МФО: 00716**
**ИНН : 308266969**

**ЧП "FIN-TEK" директори: А.А.КОДИРОВ**

Буюртмачи:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VAZIRLIGI
TOSHKENT SH., I. KARIMOV SHOH KO'CHASI, 45A, TEL.: +998 71 232-65-14
H/R: 100010860262947011321140001
STIR 200 794 961 IFKT 84111
MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI AMALIYOT BOSHQARMASI
G'/H/V: 2340 2000 3001 0000 1010
O'ZR MB BOSH BOSHQARMASINING HKKM
BANK KODI 00014 STIR 201 122 919

Р/с:
Л/с:
Банк:
МФО:
ИНН:
ОКЭД:

Вазирнинг биринчи ўринбосари
Хўжаев

Бош. Бошқ. бошлиғи (Ш.Ахмедов)
Бош. Бошқ. бошлиғи (О. Юлдашхўжаев)
Бош. Актив Бошқ. (О. Каримов)
Бошқ. бошлиғи (А. Чоршанбиев)
Бошқ. бошлиғи (Ш. Муминов)

2022 йил “ 20 ” феврал
7014 сон шартномага 1-илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича**
**АСОСИЙ ШАРТЛАР**

**1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.**

**2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:**

**“1008” ишонч телефони;**

**Telegram-канали («@anticorbot»);**

**Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.**

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

Вазирнинг биринчи ўринбосари
С. Холхўжаев

**"FIN-TEK" ХК**
**директори:** **А.А.КОДИРОВ**

Приложение №1
к договору №7014
от «20» февраль 2022 года

«20» февраль 2022 г.

# СПЕЦИФИКАЦИЯ

| № | Наименование | Кол-во. Услуга | Цена за единицу без НДС, сум | Стоимость общая без НДС, Сум | Ставка НДС, % | Сумма НДС, сум | Стоимость общая с учетом НДС, сум |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Заправка HP M402(120 гр) | 90 | 55 513 | 4 996 174 | 15% | 749 426 | **5 745 600** |
| 2 | Заменить блока барабана, магнитка HP M402 | 45 | 48 574 | 2 185 826 | 15% | 327 874 | **2 513 700** |
| 3 | Заправка KYOCERA (M2540,M2135,P2235)(200 гр) | 45 | 67 930 | 3 056 870 | 15% | 458 530 | **3 515 400** |
| 4 | Заправка HP 436 A3(Тонер с девелопером+чип) | 6 | 451 043 | 2 706 261 | 15% | 405 939 | **3 112 200** |
| 5 | Заменить девелопер, барабана HP 436 A3 | 3 | 416 348 | 1 249 043 | 15% | 187 357 | **1 436 400** |
| 6 | Заправка TaskALFA 2550ci (4цвет в комплекте) | 1 | 1 698 261 | 1 698 261 | 15% | 254 739 | **1 953 000** |
| 7 | Заправка Canon IRS 3025,3125,3725(4цвет+чип в комплекте по 270 гр) | 3 | 1 698 261 | 5 094 783 | 15% | 764 217 | **5 859 000** |
| 8 | Заправка HP Page Wide Pro 777z (Заменить картридж 4 цвет в комплекте) | 1 | 2 958 261 | 2 958 261 | 15% | 443 739 | **3 402 000** |
| 9 | Заправка Epson L1455-15150(Код 664,112 оригинал, 4 цвет в комплекте) | 9 | 277 565 | 2 498 087 | 15% | 374 713 | **2 872 800** |
| 10 | Заправка Canon TM-300 (картридж, 4 цвет в комплекте) | 1 | 2 377 565 | 2 377 565 | 15% | 356 635 | **2 734 200** |
| 11 | МФУ HP OfficeJet 252(заменить картридж 4цвет в комплекте) | 1 | 1 040 870 | 1 040 870 | 15% | 156 130 | **1 197 000** |
| 12 | Заменить Емкость для отработанных чернил Epson L1455, L15150 | 2 | 416 348 | 832 696 | 15% | 124 904 | **957 600** |
| | **Итого** | | | | | | **35 298 900** |

**Итого, общая стоимость с учетом НДС, сум: 35 298 900 (Тридцать пять миллионов двести девяносто восемь тысяч девятьсот).**

**ПОСТАВЩИК**

_______ **А. Кодиров**

**ЧП FIN-TEK**

**ПОКУПАТЕЛЬ**

Вазирлик бирinchi ўринбосари

С. Холхўжаев

(Б. Рўзматов)

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Иқтисодий тараққиёт ва**
**камбағалликни қисқартириш**
**вазири ўринбосари -**
**Комиссия раиси**

_____________ **Б. Абдиназаров**
2022 йил “_19_” _Феврал_

**Б А Ё Н Н О М А** №1

**Раислик қилувчи:** **Б. Абдиназаров - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари**

**Қатнашувчилар:** **комиссия аъзолари**

*(Д. Юлдашхўжа, О. Жўраев, Б. Камаров, Б. Ахмедов, А.Мингбоев)*

## КУН ТАРТИБИ:

**Вазирликдаги принтерларни заправка қилиш ва уларга хизматлар кўрсатиш бўйича**

2022 йил 15 февралдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Принтерларга хизмат кўрсатиш ва уларни заправка қилиш хизматлари” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “FIN-TEK” хусусий корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб, ушбу харид муносабати билан “FIN-TEK” ХК масъуллари ўртасида музокаралардан сўнг молиявий томондан шартнома суммасини камайтириш натижасига эришилгани инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 15 февралдаги баённомасига асосан “FIN-TEK” хусусий корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб корхона билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

**Комиссия аъзолари:**

Ишлар бошқармаси бошлиғи — Д. Юлдашхўжа

Бош ҳисобчи — О. Жўраев

Юридик департаменти — Б. Камаров

Ички ва ташқи бозорларда юқори талабли янги йўналишдаги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси — хизмат сафарда — Б. Ахмедов

Ижро интизоми ва Давлат дастурларини мониторинг қилиш бошқармаси — А. Мингбоев

Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги бошқармаси — О.Каримов

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 23373 на приобретение Принтерларга хизмат кўрсатиш ва уларни заправка қилиш хизмати

Способ проведения электронный

Дата 15.02.2022

Время рассмотрения 04.02.2022 12:41

Конкурсная комиссия Узбекистон Республикаси Иктисодиет ва саноат вазирлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABDINAZAROV BOBUR KALANDAROVICH | Заместитель министра | Министерства экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан |
| **Член комиссии** | KAMAROV BEHZOD RUSTAMOVICH | Юридик департамент, хуқуқий таъминот булими бош юристконсульт | Иқтисодий тараққиёт ва камбағилликни қисқартириш вазирлиги |
| **Член комиссии** | KARIMOV OTABEK ESHMAMATOVICH | Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| **Член комиссии** | AXMEDOV BAXODIRJON QOSIMOVICH | Бош мутахассис | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| **Секретарь комиссии** | MUMINOV SHAXBOZ ULUGBEKOVICH | Ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| **Член комиссии** | MINGBOYEV AKMAL RAHMONQULOVICH | Назорат бошқармаси бошлиғи | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| **Член комиссии** | JO‘RAYEV OTABEK NAJMIDDINOVICH | Главный бухгалтер | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| **Член комиссии** | YULDASHXUJA DONIYOR XAMIDJON O‘G‘LI | Бошқарма бошлиғи | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.02.2022 года № лота 23373.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по профилактике принтера** |

| | |
|---|---|
| Подробное описание | Принтерларга хизмат кўрсатиш ва уларни заправка қилиш хизмати |
| Количество товара | 2.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 14 007 500.00 |
| Стартовая сумма | 28 015 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по профилактике принтера** |
|---|---|
| Подробное описание | Принтерларга хизмат кўрсатиш ва уларни заправка қилиш хизмати |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 14 007 500.00 |
| Стартовая сумма | 14 007 500.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи ва харид комиссиясининг аъзолари ўртасида аффилланганликнинг мавжудлиги

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | 1 | 1 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | 1 | 1 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | 1 | 1 | Экспертная | | |

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлик

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Корхона инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмас | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | Рўйхатга кирмаган хеч қачон | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MChJ Elstab** | 10 | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар буйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги; тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хакикийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Закалат суммаси туланган | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | таклифлар кафолатланади | 5 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | Барча талабларни урганиб чикиб, махсулотларни куйида келтирилган танлаш шартларига асосан етказиб беришни таклиф этамиз: - тулов шартлари -30 фойис аванс ; - хизмат курсатиш (етказиб бериш) шартлари - тўлиқ; - хизмат курсатиш (етказиб бериш) муддатлари-90кун; | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчини таъсис этилиши танлаш эълон қилинишидан камида 6 ой олдин ташкил этилган бўлиши

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иштирокчининг буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришганлик

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Корхона суд ёки арбитраж холатида эмас | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | хеч қачон хеч ким билан судлашмаган | 5 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | Иштирокчининг буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришганлик булмаган | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Иловада курсатилган корхоналар билан барча шартномалар уз вактида тулик бажарилган | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | 100 дан зиёд буджет ташкилотларига 5 йилдан бери хизмат кўрсатиб келамиз | 5 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | аввал тузилган шартномалар буйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик холатлари мавжуд эмас. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №7 Иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Баланс, молия ва банк холати хакида маълумотнома | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | корхона 2015 йилдан бери 15% соф даромад билан ишлаб келмоқда | 3 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | Молиявый холати тўгрисида хужжат такдим этилади | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Корхона қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмас | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | Корхона 2015 йилдан бери ўз вазифаларини ситқи дилдан бажариб келмоқда | 5 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик холатларида эмас. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №9 Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирилсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | мавжуд эмас | | | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | Барча солиқлар ўз вақтида туланади | 10 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | Карздорликлар мавжуд эмас | 10 | Экспертная | | |

Критерий №10 Иштирокчини таъсис этилиши танлаш эълон қилинишидан камида 6 ой олдин ташкил этилган бўлиши

Тип: Текстовое значение

Описание: файл бириктирлсин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП FIN-TEK** | 10 | есть | 10 | Экспертная | | |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 | 2015 йилдан бери фаолият кўрсатамиз | 10 | Экспертная | | |
| **MChJ Elstab** | 10 | Биз, қуйида имзо чекувчилар МЧЖ « ELSTAB» товар етказиб бериш учун принтерларга хизмат кўрсатиш ва уларни заправка қилиш хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида харид қилиш хужжатларига мувофик товар етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамиз. | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **MChJ Elstab** | 42 022 500.00 | 37 689 000.00 | 09.02.2022 15:29:58 | 23.88 |
| **ЧП FIN-TEK** | 42 022 500.00 | 35 298 900.00 | 07.02.2022 21:26:40 | 25.50 |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 42 022 500.00 | 30 000 000.00 | 08.02.2022 18:50:26 | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **MChJ Elstab** | 60.2 | 23.88 | 84.08 |
| **ЧП FIN-TEK** | 63.7 | 25.5 | 89.2 |
| **"OVERSETTA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 41.3 | | 41.3 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 23373 от 15.02.2022 года на приобретение Принтерларга хизмат кўрсатиш ва уларни заправка қилиш хизмати определила победителем:

ЧП FIN-TEK
308266969

и резервный исполнитель: MChJ Elstab (200811385)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | JO‘RAYEV OTABEK NAJMIDDINOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | ABDINAZAROV BOBUR KALANDAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KAMAROV BEHZOD RUSTAMOVICH | Не согласен | Не согласен с некоторыми оценками |
| **Член комиссии** | KARIMOV OTABEK ESHMAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MINGBOYEV AKMAL RAHMONQULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YULDASHXUJA DONIYOR XAMIDJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | AXMEDOV BAXODIRJON QOSIMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

3992133

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FIN-TEK" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FIN-TEK" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.03.2021 960806 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308266969

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Uychi tumani, Uychi, bog kochasi,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Uychi tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда FIN-TEK XK ўртасида 2022 йилдаги принтер техникаларига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасига**

# ЮРИДИК ХУЛОСА

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда **FIN-TEK хусусий корхонаси** ўртасида 2022 йилдаги принтер техникаларига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур шартнома лойиҳасига асосан, FIN-TEK XK томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига принтер техникаларига хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Мазкур шартнома 2022 йил 15 февралдаги Давлат харидлари бўйича Вазирликнинг харид комиссияси томонидан ўтказилган танлов тамойиллари асосида ушбу хусусий корхона томонидан таклиф этилаётган хизматлар юқори баҳоланганлиги туфайли ҳолиб деб топилган ҳамда ушбу FIN-TEK XK билан харид комиссияси қарорига асосан шартнома тузиш кўзда тутилган.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларлари доирасида харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули орқали тузилган.

Шу билан бирга, шартнома тузиш кўзда тутилган FIN-TEK XK худудий жиҳатдан Наманган вилоятида жойлашганлигини инобатга олиб, у билан шартнома муносабатларига киришишда Вазирлик Тошкент шаҳрида жойлашганлиги сабабли корхона томонидан мазкур хизматлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича қўшимча кафолат хати олиниши мақсадга мувофиқ.

**Юридик департамент** **Б. Набиев**

**№: 17263**

**Дата:24.02.2022год**

**Конкурсная комиссия**

**ГАРАНТИЙНОЕ ПИСЬМО**

Настоящим письмом подтверждаем, что компания **XK "FIN-TEK"**

***- имеем материальную и техническую базу для выполнения соответствующего вида услуг***

***- имеем штат квалифицированных работников с опытом работы по предоставлению данного вида услуг и наличия соответствующего оборудования***

Подписи:

**Руководитель:***Кодиров Абдумумин Абдуматалли угли* ____________

**Главный бухгалтер**: *Ортиков Дилшод Абдумалик угли*____________

**М.П.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VIL. UYCHI TUMAN XUSUSIY KORXONA FIN-TEK

*Форма № 2*

**№:17263**

**Дата:24.02.2022год**

**Конкурсная комиссия**

**ГАРАНТИЙНОЕ ПИСЬМО**

Настоящим письмом подтверждаем, что компания **ХК "FIN-TEK"**

- не находится в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства.

- не находится в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с Заказчиком

- не имеет задолженности по уплате налогов и других обязательных платежей;

- нет ненадлежащим образом неисполненных обязательств по ранее заключенным договорам;

- не находится в Едином реестре недобросовестных исполнителей;

- не зарегистрирована и не имеет банковские счета в государствах или на территориях, предоставляющих льготный налоговый режим и/или не предусматривающих раскрытие и предоставление информации при проведении финансовых операций (оффшорные зоны)

Подписи:

**Руководитель:** *Кодиров Абдумумин Абдумуталли угли* ______________

**Главный бухгалтер:** *Ортиков Дилшод Абдумалик угли* ______________

**М.П.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VIL. UYCHI TUMAN XUSUSIY KORXONA FIN-TEK

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
## DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

## ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
## РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
# G U V O H N O M A

# С В И Д Е Т Е Л Ь С Т В О
# О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

| | |
|---|---|
| QQS RO'YXAT RAQAMI<br>РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС | **314130182299** |

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

| | |
|---|---|
| Soliq to'lovchining nomi<br>Наименование налогоплательщика | **"FIN-TEK" XK** |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami<br>Идентификационный номер налогоплательщика | **308266969** |
| Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana<br>Дата с которой лицо становится плательщиком НДС | **10.02.2022** |
| Ro'yxatdan o'tish sanasi<br>Дата регистрации | **22.02.2022** |

Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.